УзССР "давлат китоб палатаси" ИНВ. № 8 Гос. книжная палата УзССР
26 ИЮЯ 1984 ПОКДАНС

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 262 (19.038). • Чоршанба, 14 ноябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

ПАРТИЯ ГРУППАСИ

Пахтазорлардаги меҳнат ҳал қилувчи босқичга кирди. Йил бўйи тер тўкиб ундирилган ҳосилни тез ва соз йиғиб териб олиш туйғуси ҳамманинг фикри-ёдини чулғаб олди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномаси ғоят юксак суръат, ялпи сафарбарлик бағишлаган бу умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафларида қишлоқ коммунистлари бормоқдалар. Бригадаларда, алмашлаб экиш участкаларида ва қишлоқ хўжалигининг бошқа қуйи бўлинмаларида иш олиб бораётган партия группалари уларнинг ғайрат-ташаббусини мавсум муваффақиятини ҳал этиш учун курашга кун-сайин тобора қизғин сафарбар этяптилар. Терим-транспорт отрядларида тузилган муваққат партия ва партия-комсомол группалари ҳам техникадан унумли фойдаланиш учун курашда коммунистлар авангардлигини кучайтирмоқда, механизаторларнинг меҳнат шароитини яхшилаш чораларини кўрмоқда.

Хатирчи районидаги «Зарафшон» совхозининг А. Пўлатов етакчилик қилаётган муваққат партия группаси механизаторлари райондаги 40 та терим-транспорт отрядлари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Группа коммунистлари ўз агрегатларидан унумли фойдаланиш билан бир пайтда терим-транспорт отрядларида Мурожаатнома асосида оммавий-сиёсий ишларни қизғин олиб бораётирлар. Машина теримида илғорликни қўлдан бермаётган пойтахт областининг Коммунистик районидаги «Политотдел», «Ўзбекистон», «Правда» колхозларидаги муваққат партия группалари ҳам коммунистлар теримда шахсий намуна кўрсатиб, ҳамкасбларини юксак марралар сари ундашини ташкил этишда сиёсий ташкилотчилик ишининг ранг-баранг усулларидан самарали фойдаланаётир. Райондаги терим-транспорт отрядларида 160 коммунист ва 102 ВЛКСМ аъзоси кунлик иш натижалари ҳамиша юқори бўлишига эришмоқда. Партиявий таъсирнинг кучлилиги теримни жадал суръатлар билан олиб бориб, ишнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилаётир.

КПСС XXVI съездида коммунистик қурилишнинг катта ва хилма-хил вазифаларини ҳал этишда қуйи партия ташкилотларининг роли биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Ишлаб чиқариш ва маданий қурилишнинг энг олдинги марраларида иш олиб борувчи партия группалари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда, резервларни тўла ишга солиш учун курашда муносиб ўрин тутади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Компартиясида 18 мингдан знёд партия группаси фаол иш олиб бормоқда.

Шу кунларда партия ташкилотлари ҳаётида муҳим давр — ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтаяпти. Партия группаларида бу йиғилишлар муваффақиятли якунланди. Уларда КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини амалга ошириш, партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга, коммунистлар авангардлигини оширишга, материал техника базасидан самарали фойдаланишга, ишлаб чиқаришга янги, прогрессив метод ва тажрибаларни жорий этишга қаратилган қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Коммунистлар ишдаги камчиликларни, ишлаб чиқаришдаги заиф бўғинларни, танг жойларни дадил очиб ташлаб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатиб бердилар.

— Корхонамизда планлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган эмас, — деди Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи 2-цехи партия группасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, кадр ишчи А. Гизатулин. — Баъзи цехларда станоклар соатлаб тўхтаб қолади, айрим цехларда эса буюртмалар ошиб-тошиб ётади. Завод маъмурияти ва план бўлими ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун масалани тўғри ҳал этиши зарур.

Партия энг қуйи бўғинидаги ишнинг муваффақияти аввало группа етакчисига боғлиқдир. Кейинги йилларда партия группалари етакчиларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, кадр ишчи А. Гизатулин. — Баъзи цехларда станоклар соатлаб тўхтаб қолади, айрим цехларда эса буюртмалар ошиб-тошиб ётади. Завод маъмурияти ва план бўлими ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун масалани тўғри ҳал этиши зарур.

Партия группасининг ташкилотчиси ташаббуссиз бўлса, коммунистларнинг аралашуви талаб қилинадиган ҳамда бригаликда ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни ўз вақтида пайқамаса, буни нормал ҳол деб бўлмайди, албатта. Сурхондарё, Самарқанд, Андижон областларидаги айрим партия комитетлари бир қатор саноат корхоналаридаги партия группалари ташаббускорлиги ва жанговарлигини кучайтиришга, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлигини оширишга эришолмаяптилар.

Социалистик мусобақада коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш партия группаларининг доимий диққат марказида туриши лозим. Улар партия аъзоларининг меҳнат беллашувида ибрат кўрсатишлари, оширилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳар бир коммунистнинг мусобақадаги иштироки натижаларини бригаликда очиқ ва талабчанлик билан таҳлил этиб, камчиликларни ишчанлик билан бартараф қилиш яхши самаралар беришини асло унутмаслик керак.

Ҳозир партиявий иш маркази тобора кўпроқ ишлаб чиқариш участкаларига, бригада ва сменаларга — бутун ишлаб чиқариш организмининг негизини ташкил қилувчи бўғинларга кўчирилмоқда. Бу ўринда партия группаларининг кенг тармоғи меҳнат коллективларида олиб бориладиган ғоявий-сиёсий ҳамда тарбиявий ишни кучайтириш учун қулай шароит вужудга келтиради. «Муваффақият, — деди ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида, — ўртага қўйилаётган вазифаларнинг сиёсий моҳиятини ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир коллектив тушуниб олишига, ҳамма участкалардаги ишнинг ташкил этилишига боғлиқ».

Ишчилар орасидан, социалистик қурилишнинг олдинги марраларидан чиқадиган сўзга қулоқ солиш, меҳнат аҳли билан маслаҳатлашиб туриш ҳар бир коммунист раҳбарнинг энг биринчи бурчи, чуқур ички эҳтиёжи бўлиши керак. Партия комитетлари партия группаларидаги коммунистларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, умумлаштириб боришлари ва уларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар белгилашлари даркор.

Партия комитетлари ва бюролари партия группаларида доимий равишда ғоявий-тарбиявий ишлар олиб борилишига эришишлари керак. Партия группалари коллективни жипслаштириш, кишилар билан якка тартибда иш олиб бориш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, янгилик ҳиссини ривожлантириш марказига айлансин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорлари асосида хўжасизликка, план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузиш, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш ҳолларига барҳам бериш, социалистик мулкни сақлаш учун улар олиб бораётган кураш раҳбар партия органлари томонидан ҳамиша қўллаб-қувватланишга молликдир. Партия группаларини контрол қилиш ва ижрони текшириш ишларига актив жалб этиш партия ташкилотларининг кучига куч қўшишини, уларнинг барча участкалардаги таъсирини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини асло унутмайлик. Бинобарин, қуйи бўғин жанговарлигини кучайтириш, ташкилотчилик иши самарадорлигини ошириш учун барча форма ва методлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги ҳамиша диққат марказимизда бўлсин.

ТУРИСТЛАРГА ЁРДАМ

Миллион-миллион совет ва чет эл туристлари мамлакатимиз бўйлаб саёҳатга жўнай туриб, марказий ва республика нашриётлари чиқарган йўл кўрсаткичлари, китоблар ва проспектлар билан танишиб, ўзлари учун маршрут танлайдилар. Нашриёт ходимларининг 13 ноябрь куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ семинари қатнашчилари мамлакатда туристик-экскурсия адабиёти чиқаришнинг аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилмоқдалар.

Семинар иштирокчилари тўпланган тажрибани ўртоқлашадилар, Тошкентдаги полиграфия корхоналарининг иши билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР, ҚОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ, ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ, СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР, ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ, БИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАН ШУ МАСЪУЛИЯТЛИ, ДОЛЗАРБ ПАЙТДА СИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИБ, ПАХТА ТЕРИМИДА ҒОЯТ АКТИВ, ЖУДА БЕВОСИТА ҚАТНАШИШГА, ҚАЛБЛАРИНГИЗНИНГ ҲАРОРАТИНИ, БУТУН ҚУЧИНГИЗ, ТАЖРИБАНГИЗ ВА ЮКСАК МАҲОРАТИНГИЗНИ БОШ ВАЗИФАНИ ҲАЛ ЭТИШГА — ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТА ҲОСИЛИНИ СЎНГГИ ЧАНОҒИГАЧА ТЕРИБ ОЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ.

(Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасидан).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Оққўрғон райони — район партия комитетининг секретари З. Маҳсумов, район ижроия комитетининг раиси А. Қосимов, район агросаноат бирлашмаси кенгаши раиси Р. Усмонов, райсельхозтехника бошқарувчиси Т. Набиев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Гусенов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси К. Ким, район комсомол комитетининг секретари Ж. Абдуллаев.

Задарё райони — район партия комитетининг секретари Ф. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси А. Аширов, район агросаноат бирлашмаси кенгаши раиси И. Собиров, райсельхозтехника бошқарувчиси Т. Раҳмонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Усмонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси И. Умаров, район комсомол комитетининг секретари Ш. Исоқов.

● НАВОИЙ ОБЛАСТИ. Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг кўпмингкилограммчи теримчиси Васила Йўлдошева мавсум бошидан буён хирмонга 12 тонна пахта тўкиб, илғорлар сафидан ўрин олди. Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатномасидан руҳланган илғор теримчи яна икки тонна пахта териб беришга аҳд қилди.
Суратда: илғор теримчи Васила Йўлдошева.

А. Усмонов (ЎзТАГ) фотоси.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ФАРҒОНА	0,54	104,98	0,11	17,36
ТОШКЕНТ	0,36	101,96	0,09	81,53
НАМАНГАН	0,42	101,75	0,38	60,12
Андижон	0,69	96,78	0,18	39,56
Сирдарё	0,66	93,02	0,09	77,61
Хоразм	0,66	92,26	0,50	31,90
Сурхондарё	0,48	90,15	0,03	58,34
ҚҚАССР	0,63	80,74	0,44	51,56
Самарқанд	0,83	79,51	0,42	28,94
Жиззах	0,51	70,19	0,03	49,94
Навоий	0,62	66,36	0,31	20,19
Бухоро	0,29	64,22	—	6,15
Қашқадарё	0,40	51,52	0,31	19,42
Республика бўйича	0,54	84,66	0,21	42,77
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	0,73	113,80	0,09	105,90
НАМАНГАН	1,86	106,56	—	—
Навоий	0,94	74,45	0,30	3,65
Қашқадарё	0,71	67,90	0,82	41,19
Бухоро	0,62	61,51	—	—
Республика бўйича	0,74	94,98	0,35	70,36

ҲАММА САФАРБАР

Колхозимиз партия ташкилоти ҳисобида 151 КПСС аъзоси ва 7 КПСС аъзолигига кандидат туради. Коммунистлар хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида авангардлик кўрсатиб, оммани янги муваффақиятлар сари бошламоқдалар.

Август ойида партия комитетида йиғим-терим даврида меҳнаткашларнинг маданий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш, дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни пухта ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгилаб олдик. Ушбу тадбирлар асосида 13 та дала шийпони яхши жиҳозланди, меҳнаткашларнинг ҳақиқий иккинчи уйларига айлантирилди.

Партия ташкилоти йиғим-терим даврида социалистик мусобақани қизғин авж олдиришга алоҳида эътибор берди. Колхоздаги терим-транспорт отрядлари, бригадалар, звенолар ўртасидаги мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди. Натижада колхозимиз районда биринчилар қатори давлатга пахта сотиш йиллик планини ошириб бажарди. Республика хирмонига 3300 тоннадан ортиқ ўз ҳиссамизни қўшдик.

Ҳали далаларимизда ҳосил бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномасида айтилган ҳароратли дил сўзлари бизнинг хўжалигимиз коммунистларини, барча пахтакорларни ҳам илҳомлантириб юборди. Ҳозирги пайтда агитаторларимиз ва лекторларимиз Мурожаатнома асосида суҳбатлар уюштириб, барчани «оқ олтин»нинг сўнгги миқолини ҳам қолдирмай йиғиб-териб олишга даъват этмоқдалар. Юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун курашда ҳеч ким четда қолмайди.

С. ТУРСУНОВ,
Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 12 ноябрь куни Кремлда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Д. Лазарга Октябрь Революцияси орденини топширди.

Мукофотни топшириш маросимида Н. А. Тихонов, А. А. Громико, В. В. Кузнецов, К. В. Русаков, И. Марьян, Л. Фалувеги, П. Вереш ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Д. Лазарга орденни топшириш чоғида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бугун Венгрия Халқ Республикасининг таниқли давлат ва партия арбоби, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Лазарга Октябрь Революцияси ордени топширилмоқда. Унинг СССР билан ВХР ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш соҳасидаги катта хизматлари шу орден билан тақдирланди.

Октябрь Революцияси орденининг чуқур рамзий маъноси бор. Совет давлати бу орденни Октябрь иши учун, улуғ коммунистик идеаллар учун содиқ ва изчил курашчилар тақдирланадиган мукофот сифатида таъсис этган эди.

Ўртоқ Лазар, бизнинг мамлакатимизда Сизни ватанпарвар ва интернационалист деб биладилар. Венгрияда ривожланган социализм қуриш вазифаларини ҳал этиш, мамлакатнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш, партияларимиз ва давлатларимизнинг иттифоқини кучайтириш борасида кўп ва самарали ишлаётган инсон деб биладилар.

КПСС билан ВСИПнинг қалин алоқалари, уларнинг марксизм-ленинизмга, социалистик интернационализмга астойдил содиқлиги — Совет — Венгрия муносабатларининг мустаҳкам пойдеворидир. Биз бу муносабатлар бундан буён ҳам муттасил ривожланаверишига ғоят аминмиз. Бизнинг ҳар томонлама алоқаларимиз янги жамият бунёдкорлигининг катта ва ғоят хилма-хил вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал этишга, социализм позицияларини кучайтиришга, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Азиз ўртоқ Лазар, Сизни муносиб мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Сизга сиҳат-саломатлик ва социалистик Венгрия бахт-саодати йўлидаги, Совет — Венгрия дўстлигини янада ривожлантириш манфаатлари йўлидаги масъулиятли ишингизда катта-катта муваффақиятлар тилайман.

Ўртоқ Д. Лазар жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Д. ЛАЗАР нутқи

Муҳтарам ўртоқ Черненко!

Азиз дўстлар!

Туғилган кунимнинг 60 йиллиги муносабати билан мен сазовор бўлган юксак мукофот учун, шаънимга айтилган самимий сўзлар ва эзгу истаклар учун Сизга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумига самимий миннатдорчилик туйғуси билан ташаккур билдираман. Мен Октябрь Революцияси орденини бу мукофот айни вақтда миллионлаб ватандошларимнинг, Венгрия — Совет дўстлиги тарафдорларининг хизматлари эътирофи деб билиб қабул қиламан ва тақиб юраман.

Венгрия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида йил сайин тобора бой мазмун билан тўлиб бораётган ҳамкорлик, венгер ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги узоқ тарихга эга.

Халқимиз ўзининг юз минг фарзанди Улуғ Октябрь социалистик революциясини ҳимоя қилиб жанг қилганлигини ўз хотирасида сақлаб келмоқда ва бу билан фахрланмоқда. Халқимиз Венгрия совет республикасини эълон қилиб, ўзининг рус синфдош қардошларидан биринчи бўлиб ўрнак олганлигини унутгани йўқ. Биз ватанимиз озод қилинганлигининг 40 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрар эканмиз, фашист босқинчиларни қувиб юбориб, халқимизга озодлик келтирган совет қаҳрамонларини миннатдорчилик билан эслаймиз ва янги ҳаёт бошлаш учун биз Совет Иттифоқидан олган бегараз ёрдамни асло унутмаймиз.

Социализм манфаатлари йўлидаги бунёдкорлик меҳнатимизда мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги муттасил ривожланиб, ҳаётнинг барча соҳаларида тобора сермазмун бўлиб қолаётганлиги, венгер ва совет халқларининг интернационалистик, қардошларча дўстлиги мустаҳкамланиб, чуқурлашиб бораётганлиги бугунги кунда ҳам ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ғоялар ва мақсадларимизнинг муштараклигига асослангандир.

Муҳтарам ўртоқ Черненко!

Октябрь Революцияси орденини Сиз, венгер халқининг самимий дўсти топширганлиги мен учун зўр шараф ва қувончдир. Сизни ва барча совет дўстларимизни ишонтириб айтаманки, мен шу пайтгача бўлгани каби бундан буён ҳам ўзимнинг бутун кучимни мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлашга ишига сарфлайвераман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва Сиз орқали совет халқига сиҳат-саломатлик ҳамда ўз Ватанини равнақ топтириш манфаатлари, социал тараққиёт ва тинчликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

* * *

КПСС ва Совет давлатининг раҳбарлари, венгриялик ўртоқлар ўртоқ Д. Лазарга Совет Иттифоқининг юксак мукофоти топширилганлиги билан уни сидқидилдан муборакбод этдилар. Улар қардош мамлакат ҳукуматининг бошлиғига иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ишида янгидан янги муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

САМИМИЙ, ЎРТОҚЛАРЧА ВАЗИЯТДА

12 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар билан учрашди.

Н. А. Тихонов билан Д. Лазар КПСС XXVI съезди ва ВСИП XII съездининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш соҳасида Совет Иттифоқи ва Венгрияда олиб борилаётган ишлар тўғрисида, партияларнинг навбатдаги съездларига — КПССнинг XXVII съездига ва ВСИПнинг XIII съездига КПСС билан ВСИП Марказий Комитетлари кўраётган тайёргарлик тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

Икки томонлама муносабатларга доир масалалар хусусида бўлиб ўтган фикрлашувлар давомида СССР билан ВХР ўртасида марксизм-ленинизм, социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига асосланган ҳамда совет ва венгер халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланаётганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари СССР билан ВХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар ҳамда 1983 йилнинг ёзида Венгрия партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган визити ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадарнинг шу йил июнь ойида Москвада бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган аҳдлашувлар қандай рўёбга чиқарилаётганлигига алоҳида эътибор бердилар.

Томонлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Иқтисодий кенгаши принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Мазкур кенгаш қарорлари халқаро социалистик меҳнат тақсимоти имкониятларидан янада самарали фойдаланишга, социалистик иқтисодий интеграцияни тағин ҳам чуқурлаштиришга қаратилган. Кенгашнинг ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг шу йил Гаванада бўлиб ўтган XXXIX мажлисининг қарорларини амалга ошириш мазкур мамлакатлар миллий экономикаларини ва бутун социалистик ҳамдўстликни жадал ривожлантириш учун янги қулай истиқболлар очиб беради ҳамда қардош мамлакатлар ҳамкорлигини муваффақиятли ривожлантириш, уларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун белгиловчи аҳамиятга эга, деган якдил фикр изҳор қилинди.

Томонлар икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг ҳолатига ижобий баҳо бериб, ўзаро ҳамкорликни муттасил кенгайтириш ва чуқурлаштириш СССР ва ВХР халқ хўжалиги олдида турган актуал вазифаларни ҳал этиш учун қўшимча имкониятлар яратиб беришини, уларнинг иқтисодий структураларини ўзаро тўлдиришни тобора кўпроқ таъминлашини мамнуният билан таъкидладилар.

1986—1990 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалаларини ҳамда давлат планларини мувофиқлаштириш юзасидан ҳар иккала мамлакат план ва тармоқ органлари шу вақтгача амалга оширган ишлар маъқулланди. Мазкур масалалар юзасидан эришилган аҳдлашув ВХРда келгуси беш йилликка мўлжалланган халқ хўжалик планини ишлаб чиқиш учун мустаҳкам негиз бўлади.

Қайта ишлаш саноати тармоқларида ихтисослаштириш ва кооперациялашни янада чуқурлаштириш масалаларига ҳамда ҳамкорликнинг ана шу соҳасида янги икки томонлама битимлар тайёрлашга катта эътибор берилди.

Халқ хўжалигининг бирбирига боғлиқ тармоқларида ишлаб чиқариш структурасини вужудга келтириш ва келгусидаги ўзаро ҳамкорлик планларини тузиш чоғида зарур йўналишга эга бўлиш учун ҳар иккала мамлакатнинг тегишли органларига 2000 йилгача бўлган даврда СССР билан ВХР ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини биргаликда ишлаб чиқишни топшириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Томонлар халқаро сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан фикрлашиб олиш чоғида АҚШ бошчилигидаги халқаро империализм ўтказаётган авантюрачилик сиёсати натижасида жаҳонда вазият кескинлашган ва уруш хавфи кучайган шароитда социалистик давлатларнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Варшава Шартномаси доирасида уларнинг халқаро майдонда баҳамжиҳат ҳаракати самарадорлигини ошириш ана шу давлатлар хавфсизлигининг мустаҳкам гарови эканлигини таъкидладилар. Империалистик доиралар тиқиштираётган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро урушининг олдини олиш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам биргаликда куч ғайрат сарфлашга бўлган азму қарор изҳор қилинди.

Н. А. Тихонов билан Д. Лазарнинг учрашуви самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди, муҳокама этилган масалалар юзасидан қарашлар бирлигини, шунингдек томонларнинг СССР билан ВХР ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни бундан буён ҳам муттасил ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга ўзаро интилаётганлигини тасдиқлади.

* * *

Учрашув якунлари бўйича Совет—Венгрия протоколи имзоланди.

* * *

Кремлда меҳмон шарафига СССР ҳукумати номидан нонушта зиёфат берилди. Совет томонидан Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатдан Н. А. Тихонов билан Д. Лазар ўртоқлар нутқ сўзладилар. Нутқлар эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

* * *

Венгриянинг Москвадаги элчихонасида Д. Лазар ВХР Президиумининг топширигига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога Венгрия Халқ Республикасининг ёқутли Байроқ орденини топширди. А. А. Громико венгер ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш ишидаги катта хизматлари учун, тинчлик ва социализм ишига қўшган ҳиссаси учун шу орденга сазовор бўлган эди.

А. А. Громико юксак мукофот учун ВСИП Марказий Комитетига, ВХР Президиумига ва Венгрия ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этиб, бу мукофотни КПСС билан Совет давлатининг ленинча тинчлик ташқи сиёсатни, социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш йўлини амалга ошириш соҳасидаги тинимсиз фаолиятининг эътирофи деб билишини уқтириб ўтди. СССР билан ВХР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари иккала мамлакат халқлари туб манфаатларининг муштараклигига, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларининг пухта пойдеворига асосланади, деб таъкидлади у.

* * *

Кечқурун Д. Лазар Совет Иттифоқидан жўнаб кетди.

Аэродромда уни Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ҳурмат тахтаси»нинг дастлабки қаторида мана, бир неча йилдирки, коммунист, корхона пардозловчиси Мавлуда Жўраевна Миразизованинг портрети осиғлиқ турибди. Корхона ишчилари Мавлуданинг ҳаракатчанлиги, меҳнатсеварлиги, топширилган вазифага масъулият билан ёндашиши, ташаббускорлиги туфайли унга шундай иззатикром билдириб келишмоқда. Ҳа, Мавлуда Жўраевна республикамизда икки беш йиллик план топширигини бир беш йилликда адо этиш ташаббуси билан чиққан марду майдонлардан бири. Узоққа бормай шу йилдаги кўрсаткичларни олайлик. Мавлуда бир йилда план бўйича 6 минг 450 сўмлик маҳсулот тайёрлаши керак. Фидокор ишчи эса ушбу беш йиллик бошлангандан бери фақат планга қўшимча ҳозиргача 19,5 минг сўмлик буюм тайёрлашга муваффақ бўлди. У кунлик топшириқларни мунтазам равишда 200—210 процент адо этиб, бошқаларга намуна бўлаётир. М. Ж. Миразизованинг меҳнат календарида 1988 йил бораётган экан, бунга ҳеч ким ажабланмайди.

— Мен эришаётган меҳнат зафарларида ҳеч қандай сир-асрор йўқ, — деди у.— Мен ўз меҳнатимга ижодий ёндашиш ҳамда ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этишни қоида қилиб олганман. Илғор усуллар ва ишлаб чиқариш технологиясини пишиқ-пухта ўрганиш, аралаш касбларни ўзлаштириб олиш ҳозирги замон ишчисининг энг асосий бурчи бўлиб қолиши керак. Мен шундай деб ҳисоблайман.

Мавлуда сўзига содиқ ишчи. Чунончи, пардозловчи дастгоҳларга ясси деталларни ўрнаштиришнинг ўзига хос усулини жорий қилди. Натижада у мебелни пардозлаш майдончасини нормадаги 1,46 квадрат метрни 1,8 квадрат метрга оширишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари Мавлуданинг таклифи билан ШЛСП—2М дастгоҳига қўшимча равишда зичлаш қурилмаси ўрнатилган. Бу янгилик ҳам деталларни пардозлаш вақтини қарийб 3 баравар қисқартириш имконини берди.

Мавлуданинг бирлашмага ишга келганига 12 йил бўлди. У меҳнат фаолиятини 8-синфни тамомлагандан сўнг шогирдликдан бошлаган эди. Серҳаракат қиз В. А. Юлина ва В. С. Татарникова каби меҳрибон мураббийлар ёрдамида ва уларнинг бевосита иштирокида пардозлаш маҳоратини қунт билан ўрганди. Мана энди ўзи ҳам устоз. Устоз бўлганда ҳам корхонанинг энг яхши мураббияларидан бири. Ҳозир унинг шогирдларидан 17 нафари бирлашмада тер тўкмоқда. Мавлуда Жўраевна бошлиқ пардозловчилар ташаббуси билан корхонада ишчи маҳорати мактаби ташкил қилинди.

Советлар мамлакатида ҳалол меҳнат ҳамиша қадрланади. Мавлуда фидокорона меҳнати эвазига III даража Меҳнат шуҳрати ордени билан тақдирланди. Унга яна бир юксак ишонч билдирилган. М. Ж. Миразизова Тошкент шаҳар Советининг депутати. Бирлашма касаба союз комитетининг аъзоси. Бешинчи цех комсорги.

Яқинда унинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа юз берди. Ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги, ёғоч-тахта ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга қўшган катта ҳиссаси учун 1984 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Суратда: СССР Давлат мукофотининг лауреати Мавлуда Миразизова.

С. Величкин фотоси. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ВЕТЕРАНЛАР МАМНУН

ДИЛ СЎЗЛАРИМ

Мен, Улуғ Ватан уруши. нинг қатнашчисиман. Москва мудофааси, Смоленск, Орш каби шаҳар ва қишлоқларни озод этиш учун бўлган жангларда иштирок этганман. Ўшанда йигирма ёшга ҳам тўлмаган йигит эдим. Шиддатли жангларнинг бирида иккала оёғимдан ажралиб қолганман... Ўтган йили эса қаттиқ бетоб бўлиб қўлларим ишламай қолди. Албатта, бу ўша лаънати урушнинг асорати бўлса керак!

Мана, бир йилдан бери тўшакда ётибман. Лекин мен яккаланиб қолмадим. Ёру дўстларим, ошна-оғайнилар ҳол-аҳволимдан доимо хабардор бўлиб турибдилар. Район партия-совет ва жамоат ташкилотлари, марказий кутубхона директори Ю. Усмонов, 13-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари У. Раҳмонов, ўқитувчи С. Аҳмадалиев, шифокорлардан Д. Ғафуров, Ё. Нурматов ва бошқа кўп ўртоқлар менга доимо мадад қўлларини чўзиб келяптилар.

Ана шундай меҳри дарё одамларни тарбиялаб вояга етказган партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат, дейман.

Ҳ. ТОШМАТОВ.
Наманган область Косонсой райони.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

«Яқинда Тошкентга йўлим тушиб, «ВАЗ» автомарказининг магазин салонига кирдим. Мен излаётган нарсаларнинг кўпчилиги шу ерда бор экан. Секция мудири Эркин Бобожонов хушмуомалалик билан ишдан чиққан деталларни топшириб, ўрнига янгисини олишимни айтди. Бу ердаги тартибни, камёб молларни одамлар сўровига қараб топиб беришини, харидорларга нисбатан хушмуомалаликни кўриб мамнун бўлдим... Сирдарё область Ворошилов районидаги М. Горький номли совхозда истиқомат қилувчи, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Қодиров».

Автомагазин иш фаолиятига оид бундай илиқ гапларни «Шикоят ва таклифлар дафтари»дан ўқиш мумкин. Харидорлардан С. Михайлов, А. Губайдуллин, В. Ким, К. Маҳмудов, В. Собольев, А. Собировлар ҳам шу магазин адресига миннатдорчилик билдиришган.

Яқинда ушбу магазиннинг намунали ишлари ҳақида Ярославль шаҳарлик Г. Шилов имзоси билан «Неделя» газетасининг 16-22-(июль) сонида босилган хабарни ўқиб қолдим. Унда Г. Шилов иш юзасидан Тошкентда ҳам бўлиб, бу ердаги «ВАЗ» автомаркази салонидан ўзига керакли бўлган молларни топгани ҳақида тўлқинланиб ёзибди: Айниқса, бу ерда витринадаги машиналарнинг камёб эҳтиёт қисмлари, харидорларга намунали хизмат, тартиб ва интизомни кўриб қойил қолдим. Энг муҳими, ишдан чиққан детални топшириб, ўрнига янгисини олиш ҳар томонлама фойдали. Магазинда бўлмаган эҳтиёт қисмни «Аҳоли сўров (талаб-эҳтиёж) дафтари»га ёзиб олиб, уни топиб, эгасига етказиш бу ерда оддий одатга айланган. экан. Ҳа эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш проблемаси бу ерда яхши ташкил этилган деб ҳисоблашга асос бор.

Аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган магазин ҳар куни беш юздан зиёд кишининг ҳожатини чиқариб, план топшириқларини ошириб уддалаб келаётир. Бу ерда харидорлар учун «Сўров бурчаги», «Эҳтиёт қисмлар йўқламаси» каталоги ташкил қилинган. Улуғ Ватан уруши ветеранларига хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек. Бундай хайрли ишларда коллектив жонкуярларидан Н. Расулов, Ҳ. Мирзаевларнинг ҳам хизматлари катта. Уларнинг намунали ишларидан харидорлар миннатдор.

М. ТУЛАГАНОВ,
пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ЯНГИЛИККА ЙЎЛ ОЧИБ

Фанимиз заҳматкашлари

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Содиқ Азимович Азимовнинг ҳаёти ва тадқиқотчилик фаолияти Октябрь революциясидан кейин Ўрта Осиё республикаларида ҳам илмий кадрларнинг етишиб чиқишига кенг имкониятлар яратиб берган партия ленинча миллий сиёсати тантанасига ёрқин мисол бўла олади.

С. А. Азимов илмий фаолиятининг бошланиши атом ядроси ва космик нурлар физикасининг эндигина ривожланаётган даврига тўғри келди. Материя микроскопик тузилишининг фундаментал проблемаларини ишлаб чиқишга иштиёқ уни СССР Фанлар академияси Физика институтининг бир группа олимлари академик В. И. Векслер раҳбарлигида ўтказаётган илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашишга ундади. Машҳур физик, ажойиб устоз билан учрашув, яқин илмий ҳамкорлик С. А. Азимовнинг олим ва фан ташкилотчиси сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ўша маҳалда Содиқ Азимович ўзи яратган «айланма» қурилма ёрдамида космик нурларда мувозанатсиз юмшоқ электро-фотон компонентнинг мавжудлигини кашф этди ва унинг муҳим хусусиятларини ўрганди. Айни чоғда у москвалик ҳамкасблари билан бирга Помир тоғларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида актив қатнашди. Бу ишлар электрон-ядровий жаланнинг очилишига олиб келди.

Қирқинчи йилларнинг охирларида олимнинг ташкилотчилик фаолияти, айниқса яққол намоён бўлди. СССР Фанлар академияси Физика институтининг машҳур илмий мактабларида сабоқ олган С. А. Азимов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Физика-техника институтида космик нурлар лабораториясини ташкил қилади ва шу билан республикада атом ядроси физикасини ўрганишга асос солади. Ўша маҳалда мавжуд бўлган заррачаларнинг ядролар билан каскадли тўқнашуви тушунчасини инкор қилиб, бундай тўқнашувларда ҳосил бўлган энг тез заррачалар орасида тез парчаланадиган беқарор заррачаларнинг муҳим роль ўйнашини кўрсатди. У жуда юқори энергияга эга бўлган заррачаларнинг атом ядроси билан тўқнашуви ҳақида кўп экспериментал материаллар олди. Бу ўтказилган тажрибалар кейинчалик биринчи совет тезлатгичларининг лойиҳаларини тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу тажриба натижалари ўзбек физигининг 1955 йилда СССР Фанлар академиясининг Физика институтида ёқлаган электрон-ядровий жалалар ҳамда ядровий актив заррачаларнинг ҳавода ва ҳар хил атом оғирликка эга бўлган зич моддаларда ютилишининг тадқиқотига оид докторлик диссертациясида умумлаштирилди.

Олимнинг ҳаётида совет атом энергетикасининг асосчиси академик И. В. Курчатов билан учрашув муҳим из қолдирди. Ўзбекистонда Ядро марказини ташкил қилиш ва қуриш ҳақида қарор чиққанидан кейин У. О. Орифов, С. А. Азимов ва С. В. Стародубцевлар биргаликда Ядро физикаси институтини ташкил қилиш ишларини бошқаришди.

Кейинги йилларда профессор С. А. Азимов раҳбарлигида юқори энергияли заррачаларнинг тўқнашувидан кўпламчи заррачалар ҳосил бўлиш жараёнининг фазо-вақт структураси ҳақида фундаментал натижалар олинди. Элементар заррачалар структурасининг ҳар хил кварк-глюон состави аниқланди, бу эса ўз вақтида ўрганилаётган ҳодисанинг механизми ҳақидаги ва умуман микродунё ҳақидаги тушунчамизни кенгайтириб юборди.

С. А. Азимов чуқур фундаментал масалалар устидаги тадқиқотларни амалий проблемаларни ечиш билан моҳирона боғлаб олиб борди. Устоз ва унинг шогирдлари томонидан ўта тоза кремний олиш технологияси яратилди. Уни саноат асосида ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши иқтисодий жиҳатдан катта наф келтирди.

Изланувчан олим 1967 йилдан бошлаб ярим ўтказгич материалларида физик жараёнларни комплекс тадқиқ этиш ишларига раҳбарлик қила бошлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Э. И. Адировича билан ҳамкорликда диэлектрик ва оптикэлектроника соҳасида қатор муҳим масалаларни ҳал қилди. Бу ишларнинг натижалари талайгина ноёб асбоб-ускуналарни яратишда ўз ифодасини топди. С. А. Азимов раҳбарлигида ярим ўтказгичли структураларда физик жараёнлар тадқиқ қилинди ва шу билан бирга маълум хоссага эга бўлган ярим ўтказгичли материалларни тўплаб олиш имконияти борлиги аниқланди. Бу ҳол жаҳон миқёсида эътироф этилган детекторларга тенглаша оладиган ярим ўтказгичли ядро нурлари детекторларини яратиш имконини берди. Уларни космик тадқиқотларда, юқори ҳароратли плазмаларнинг диагностикасида, моддаларда лакбўёқ қатламларининг қалинлигини назорат қилишда, фан ва техниканинг бошқа соҳаларида фойдаланиш имкони туғилди.

Олим илмий ишларда регионал проблемаларни ҳал қилишга ҳам катта аҳамият беради. Унинг раҳбарлигида пилладаги ипак миқдорини аниқлайдиган асбоб яратилди. Бу билан пиллага дастлабки ишлов беришнинг сермашаққат технологик жараёнларини автоматлаштириш борасида илк қадам қўйилди.

Улкан олим гелиоматериалшунослик асосчиларидан ҳисобланади. У кенг программали қуёш энергиясидан комплекс фойдаланиш ишларига раҳбарлик қилмоқда. Шу йўл билан биноларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш системалари яратилди ва амалиётга татбиқ қилинди. Унинг Ўзбекистонда кенг миқёсдаги илмий ишлаб чиқариш комплексининг ўраги бўлиб қоладиган қуёш печини қуриш таклифи қўллаб-қувватланди ва ҳозир бу комплекснинг биринчи навбатини қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Олимнинг кўпқиррали фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланган. Содиқ Азимович ўзининг етмиш йиллигини ижодий кучи энг гуллаган пайтда кутиб олмоқда. Фан жонкуяри ва меҳрибон устозимизни қутлуғ ёши билан чин қалбдан табриклаб, унга сиҳат саломатлик ва янгидан янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

М. САЛОҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

Т. ИЎЛДОШБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

РАВНАҚ ТОПИШ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИ

ДУШАНБЕ, 13 ноябрь. (ТАСС). Совет Ўрта Осиё республикалари ҳамда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Коммунистик партиялари ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференцияга «Социализм шароитида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг социал-иқтисодий тараққиёти ва маънавий ҳаётининг равнақ топиши» мавзу қилиб олинган. Бугун Душанбеда иш бошлаган бу конференцияни Тожикистон Компартияси Марказий Комитети билан СССР Фанлар академияси ўтказмоқда. Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ғ. Паллаев конференцияни очиб бундай деди:

— Тарих миллат ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун қисқа муддат ичида шу қадар кўп иш қилган СССР сингари бошқа бironта давлатни билмайди. Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари тикланиш, қурилишдаги каттакатта муваффақиятлари учун совет ижтимоий тузумидан, Коммунистик партия, унинг ленинча миллий сиёсатидан миннатдордирлар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти директорининг биринчи ўринбосари П. А. Родионов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Осимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов ва бошқалар доклад қилдилар. Социализмгина илгари қолоқ бўлган халқлар экономикаси, моддий фаровонлиги ва маданияти тез юксалишини таъминлаётганлиги, ижтимоий тараққиётга тарихда мисли кўрилмаган суръат бахш этмоқда, деб таъкидланди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ»

«...Республикамизнинг кекса билим юртларидан бири — 10-ўрта ҳунар-техника билим юрти Андижон машинасозлик заводига ишчи кадрлар етказиб беради. Унинг ўқув устахонасида ҳамма дастгоҳ ускуналари эски, кўпи ишга яроқсиз. Шунга қарамай завод билим юртини замонавий ускуналар билан таъминлаш хусусида ҳеч бир ёрдам кўрсатмаётир. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги 1982—1983 йилларда ўз оталиғидаги ҳунар-техника билим юртларига 358 ўрнига атиги 125 та трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машинаси ажратганига нима дейсиз». Газетанинг шу йил 27 июль сонида босилган проблематик мақолада ана шундай сатрлар бор эди...

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР план давлат комитети, республика Қишлоқ хўжалик, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, Ўзбекистон ССР меҳнат давлат комитети, Қашқадарё ва Андижон областлари партия комитетлари редакциямизга жавоб йўллаб, проблематик мақолага муносабатларини билдиришган, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилишган.

Қуйида олинган жавобларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ: — Мақола область ҳунар-техника таълими бошқармасининг Советида муҳокама қилинди. Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш сифатини ва билим юртларининг ўқув-моддий базасини янада яхшилаш мақсадида 10-ўрта ҳунар-техника билим юрти билан машинасозлик заводи ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ: — «Ҳунарлининг қўли гул» сарлавҳали мақола қишлоқ хўжалик таълими бошқармаси Советида муҳокама қилиниб, кўрсатилган фактлар бир қатор областларда аниқланганлиги қайд этилди.

Ҳозирги вақтда министрлик камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўраётир. Министрлик Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалик министрлиги учун ҳунар-техника таълими системасида малакали ишчилар тайёрлаш сифатини ошириш ва уни янада ривожлантириш бўйича буйруқ чиқарди. Бу буйруқда ўрта ҳунар-техника билим юртларини тракторлар, қишлоқ хўжалик техникаси, жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу буйруқнинг ижроси устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

— РЕДАКЦИЯДАН —

Шу билан бирга юқоридаги газета мақоласига Жиззах ва Самарқанд областлари партия комитетлари жавоб бериш муддатини қўпол равишда бузиб келаётир.

«Узгидроэнергострой» ва «Таштеплосеть» ташкилотлари «Ўтган йил қиш сабоғи», шунингдек, Бухоро область партия комитети «Кўзбўямачилик оқибати» сарлавҳали мақолалар юзасидан жавоб беришга лоқайдлик билан қарамоқда. Ваҳолонки, КПСС XXVI съезди қарорларида матбуот чиқишларига ўз вақтида жавоб бериб туриш ҳар бир партия, совет ходимининг, ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Редакциямиз юқорида номлари қайд этилган ташкилот, идора ва министрликлардан тегишли жавоблар кутади.

ШАЪНИМИЗГА ДОҒ ТУШМАСИН

ДЕПУТАТЛАР ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА

Улкан «оқ олтин» хирмони учун курашнинг ҳал қилувчи даври бошланди. Йиғим-теримда ҳар кун, ҳар соат ғанимат, оптиндан қиммат эканлигини яхши биламиз. Қолаверса буни тадбиқ этиб эслатиб, огоҳлантириб турибди. Дастлабки ёғингарчиликлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Мурожаатномасида жуда тўғри таъкидланган: «Мана шундай шароитда беғамлик ва хотиржамлик, терим ишларини ташкил этишдаги ҳеч бир ўрни бўлмаган сусткашлик ва бамайлихотирлик кўринишларига асло тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар қандай сусткашлик ҳосилни хавф остида қолдиради».

Областимизнинг кўпгина хўжаликлари, бўлим ва бригадалар коллективлари буни қалбдан ҳис этиб, тадбиркорлик билан иш тутиб, терим суръатини сусайтирмаётирлар. Барча куч ва воситаларни йиғим-теримга тўла сафарбар этаётган колхоз ва совхозлар пахта тайёрлашда пешқадамлик қилмоқдалар. Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон», «Қизил Юлдуз», Қамаши районидаги «Коммунизм йўли», «СССР 50 йиллиги», Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, Ленин номли, Чироқчи районидаги «Партия XXIV съезди», «Коммуна» колхозлари, Муборак районидаги 7«А», Баҳористон районидаги «Ўзбекистон», Китоб районидаги Навоий номли, Қарши районидаги 8-, Нишон районидаги У. Юсупов номли совхозлар ва бошқа бир қатор хўжаликлар марра томон дадил интилмоқдалар.

Яккабоғ ва Ғузор районларидаги 23 та хўжалик заршуносларининг ингичка толали пахта тайёрлаш йиллик план топшириқларини ошириб бажарди.

Областимиз пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи йилида мамлакатга 620 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганлар. Ваъдага вафо қилиш — марднинг иши. Шундай шиор билан иш тутган хўжаликларда йиғим-теримда уюшқоқлик таъминланяпти.

Биз депутатлар халқнинг мухтор вакиллари ҳисобланамиз. Ўзимизга юклатилган бурч ва масъулиятни тўғри англаб, коллективларимизда зиммамизга олган мажбуриятга яраша ҳосил тўпладик. Пахта теримини намунали ташкил этиб, бор ҳосилни Ватан омборларига пешма-пеш етказиб беряпмиз. Гектаридан 25 —30 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдик. Ҳозирги мақсадимиз гектар бошига ҳосилдорликни ўртача 50 — 55 центнерга етказишдир.

Аммо биз ўзимизни ҳаяжонга солаётган бошқа ишлар ҳақида гапирмоқчимиз. Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатномаси бутун Ўзбекистон меҳнаткашларининг диққат-эътиборини пахтага, план ва мажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратди. Ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиш ватанпарварлик, интернационал бурчимиз эканлигини таъкидлади. Бироқ областимиз районларида пахта тайёрлаш суръати ҳамон сустлигича қолмоқда. Бизни ана шу ташвишга соляпти.

Колхоз ва совхозларимизда техника, ишчи кучи етарли. Умумхалқ сафарбарлиги эълон қилиниб, шаҳарликлар ҳам қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан туриб ёрдам бермоқдалар. Бироқ жойларда мавжуд резерв ва кучлардан етарли фойдаланмаслик оқибатида шу долзарб кунларда область бўйича кунига тайёрланган пахта ярим процентга ҳам етмаяпти. Тўғрисини айтганда областимиз пахта тайёрлашда энг охирги ўринда бораётганлиги, республикани ҳам орқага тортаётганлиги бизни ғоят ташвишлантирмоқда. Бу биргина бизни эмас, воҳадаги ҳар бир кишини — пахтакорни, қурувчини, ишчини, партия, совет ходимини— ҳаммани ўйлантириб қўйди. Қадимий миришкор Қашқадарё деҳқонлари шаънига яхши эмас бу.

Қашқадарё области нега бундай аҳволга тушиб қолди? Бунинг туб сабаблари нимада? Шу хусусда мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз. Пахта йўқми? Пахта ҳамма жойда бор. Айниқса қуйи районларимизда ингичка толали пахтадан мўлжалдагидан ҳам зиёда ҳосил етиштирилган. Тўғри, пахта етиштиришнинг ўзи бўлмади. Пахтакорларимиз ҳар йилгидек бу йил ҳам мураккаб қийинчиликларни мардонавор енгдилар.

Бироқ ҳамма жойда пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилган бир пайтда кўплаб хўжаликларда, районларда ялпи сафарбарлик ҳанузгача сезилмаётир. Мавжуд ишчи кучи ва техника воситалари теримга тўла жалб этилмаганлиги оқибатида Кўқдала, Косон, Баҳористон, Чироқчи ва бошқа районларда кейинги кунларда кунлик ўсиш суръати жуда пастлашиб кетди. Шу қуёшли кунларнинг қадрига етмаётган, ҳамон имиллашда давом этаётган хўжаликлар бор. Айниқса, **Баҳористон районидаги 35-, У. Юсупов районидаги «Янгиобод», Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги», «Самарқанд», «Коммунист», Косон районидаги Ленин номли, «Гулбоғ», Кўқдала районидаги Ленин номли совхозларда мавсум бошидан бери бор-йўғи 10 — 25 процент, ҳатто ундан ҳам озроқ пахта тайёрланганлигини қандай баҳолаш, нима билан изоҳлаш мумкин? Бу бепарволик ва хотиржамлик кайфиятининг оқибати эмасми, ахир!**

Элда қимирлаган қир ошар деган мақол бор. Марра сари интилиш ўрнига ҳар хил баҳона излаётган раҳбарлар ҳам учраб қоляпти. Ҳосил кам, кўраклар очилмаяпти, машиналарни ишлатишнинг иложи бўлмаяпти каби баҳоналар билан шу кунлардаги сусткашликни хас-хўшлаб бўлмайди. Қашқадарё колхоз ва совхозларида жуда катта ҳосил бор. Олдимизда турган вазифа унинг бир граммини ҳам нест-нобуд қилмасдан Ватан омборларига топширишдан иборат!

Мамлакат биздан пахта кутмоқда. Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми кўрган масала бу ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Биз қўриқликлар бундан ғоят руҳланиб, меҳнатда янгидан янги зафарларни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдамиз. Маълумки, октябрь Пленуми қарорларида, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида озиқ-овқат фондини муттасил кўпайтириб боришда мелиорациянинг ролини оширишнинг асосий йўналишлари баён этиб берилди. Тўғрисини айтганимизда, **бизнинг Қарши даштидаги совхозларимизда ҳам ер ости сувлари кўтарилиб кетганлиги, мелиорациянинг ёмон аҳволда эканлиги кейинги йилларда бошқа деҳқончилик экинлари қатори пахта қосилдорлигини кескин камайтириб юборди. Захи қочирилиши лозим бўлган майдонларда «Каршистрой» бошқармаси ташкилотлари мелиорацияни жуда сифатсиз амалга оширганликлари кўзга ташланиб қолди.** Чунки, Косон, Қарши, Нишон, Ульянов, У. Юсупов, Баҳористон, Муборак районларидаги кўплаб мелиорация объектлари, ёпиқ дренажлар нормал ишламайди. Шунингдек, суғориш иншоотлари қурилишида ҳам катта нуқсонларга йўл қўйилган.

Бизнинг чўлқуварлар адресига яна бир мулоҳазамиз бор. Маълумки, Қарши чўлига ҳужум бошланганидан бери 200 минг гектар ердан ортиқроқ майдон ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Ўз-ўзидан равшанки, янги ерларда қўриқ совхозлар ташкил этиляпти. Бу хўжаликларни ишчи кучи билан таъминлашга келганда яна бир қанча муаммолар кўзга ташланмоқда. Совхозлар қурилиши комплекс амалга оширилмаяпти. Хўжаликларнинг марказий қўрғонлари уй-жой, мактаб, боғча, клуб, ҳаммомлар қурилмай туриб топшириб юборилмоқда. Тегишли шарт-шароит бўлмагач, чўлга ким ҳам кўчиб келарди. Бутун-бутун пайкалларга чигит экилади-ю, ёзда уни парвариш қиладиган одам топилмайди. Натижада ғўзаларни ўт босиб кетади. Бу ғўза парваришидагина эмас, ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам деҳқонга жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу йил Нишон, У. Юсупов, Баҳористон ва бошқа районлардаги кўплаб қўриқ совхозларда худди шундай ачинарли аҳвол юз берди.

«Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари жиддий ўйлаб кўриб, бир хулосага келишлари зарурга ўхшайди.

Пахта асосий бойлигимиз, нонимиз ва ризқ-рўзимиз. Воҳада яшовчи ҳар бир киши уни чуқур англаган ҳолда Мурожаатномага жавобан далага отланмоғи, ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатмоғи зарур. Бизнинг олий ва маҳаллий Совет депутатлари, коммунист ва комсомоллар ҳашарчиларга айтадиган сўнгги гапимиз бор. Пахтазор — зарбдор фронт. Бу умумхалқ ҳаракатида ҳеч ким четда қолмасин, далаларда чинакамига жасорат кўрсатиб, кунлик нормани 1,5—2 баравар бажариб, областимиз ва республикамизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшайлик. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маҳаллий Советлар дала ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорлари талабларига мувофиқ уюштиришлари, ҳар бир коллективда партия, давлат ва меҳнат интизомини қатъий йўлга қўйишлари, терим кампаниясини муваффақиятли тугаллаш учун ҳамма чораларни кўришлари зарур.

Муҳаббат ХУДОЙҚУЛОВА,
Яккабоғ районидаги «Қизил Юлдуз» колхози бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати.

Маҳкам ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоз бригада бошлиғи, область Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мастура ФАЙЗИЕВА,
Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхоз бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Холиқул МУҲАММАДИЕВ,
Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—ҲАЁТГА!

ЧОРВАЧИЛИКДА РЕНТАБЕЛЛИК—БОШ МЕЗОН

Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхоз 1979 йилдан буён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолибликни эгаллаб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлиб келмоқда.

Колхоз чорвадорлари тармоқни интенсив ривожлантиришга эришмоқдалар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича ўн биринчи беш йиллик план муддатидан олдин адо этилди. Ҳозир асосий эътибор юбилей йилини муваффақиятли якунлашга, чорва қишловига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўриш ва уни намунали ўтказишга қаратилган.

Қуйида хўжалик чорвадорларининг шу кунлардаги ишлари ва режалари, ибратли тажрибалари, резервлар ва етилган масалалар тўғрисида ҳикоя қилинади.

СУТ БУЛОҒИ

Розия МАТЕҚУБОВА,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор.

Халқимизда яхши удум бор: сут, қатиқ ёки айрон ичганидан кейин «чашмасига барака» деб қўяди. Сут-товар фермаси ҳам бамисоли чашма. Ана шу чашманинг мавжлари бизга боғлиқ. Биздан — меҳр, сигирлардан — сут.

Фермага ишга келганимга ўттиз йилдан ошди. Шу давр ичида сигирларнинг мижозини, сут булоғининг кўзларини очиш йўлларини анча ўрганиб олдим. Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Энг муҳими — касбни севишда. Касбини севган соғувчи сигирларга меҳр қўяди, ферма уни ҳамиша оҳанрабодек ўзига тортади. «Моли тўқнинг—кўнгли тўқ». Фақат қорни тўйса бас деб ўйлаш ҳам нотўғри. Ширали, оқсилга бой, тўйимли озуқа сигирнинг елинига сут бўлиб боради. Озуқа билан озуқа ўртасида фарқ бор. Турли хил, тўйимли ем-хашакни ўз вақтида бериш, рационга риоя қилиш керак. Фермамизда озуқа цехи конвейери тўхтовсиз ишлайди, хашакни қирқиб майдалашга, димлаш ва тўйимли моддалар билан бойитишга алоҳида эътибор берилади.

Колхозимизда чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси яратилган. Беда пичани, сенаж, маккажўхори силоси, дағал хашак ҳамма вақт етарли. Сигирларга ўз вақти-соатида ўт-ем, сув берилиши соғувчилар назоратида.

Сутни кўпайтиришнинг яна бир муҳим шарти — сигирлар зотини яхшилашдир. Фермамиздаги сигирларнинг ҳаммаси зотдор, серсут. Улар зооветеринария талаблари асосида парвариш қилинади. Сигирхоналар типовой лойиҳа бўйича қурилган ва ускуналанган, асосий ишлар механизациялашган.

Энди шахсий мажбуриятларимни қандай бажараётганлигим хусусида тўхталиб ўтаман. Ўз боқимимдаги юз бош сигирдан 1600 тонна сут соғиб олиб, беш йиллик топшириқни салкам уч йилда адо этдим. Ўтган йили ҳар бош сигирдан беш минг килограммдан зиёд сут, сигирлардан бошма-бош бузоқ олдим. Шу йилнинг ўтган даврида ҳар бир бош сигирдан 4000 килограммдан зиёд сут соғиб олишга эришдим. Йил охиригача кўрсаткични 5200 килограммга етказишни мўлжаллаяпман.

Ёшларга мураббийлик қилиш, уларни чорвадор шарафини юксак тутиш, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни биз, ветеранлар фахрли бурчимиз деб биламиз, кечаги шогирдларнинг бугунги камолотидан сидқидилдан қувонамиз. Сўня Собирова, Шарофат Тожиева, Маҳфира ва Назира Худошукуроваларга мураббийлик қилганман. Улар соғувчилик касбида ҳалол меҳнат қилиб, сут булоғига баракали ҳисса қўшмоқдалар. Бу моҳир соғувчиларнинг юбилей йилидаги аҳдлари — ҳар бош сигирдан беш минг килограммдан сут соғиб олишдан иборат.

Эришилган натижа чегара эмас. Фермамизда сигирлар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш имкониятлари мавжуд. Сигирлар туёғини ҳозирги 650 бошдан 700 бошга етказиш, уларнинг ҳаммасидан бузоқ олиб, зотли, ёш сигирларни кўпайтириш, қишлов даврида ҳам маҳсулдорлик юқори бўлишига эришиш режаларини белгиладик. Сут булоғи мавж уриши йўлида куч-ғайратимизни, қалбимиз қўрини аямаймиз.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Карим БОБОЕВ,
бедачилик бригадаси бошлиғи.

Деҳқончилик билан чорвачилик бир-биридан ажралмасдир. Озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олиш базасида чорвачилик равнақ топади, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар кўпаяди. Қиммати озуқа экини — беда ем-хашак балансида салмоқли ўринни эгаллабгина қолмай, алмашлаб экишни жорий этиш, турпоқ тузилишини яхшилаш ва вилтнинг олдини олишга ёрдам бермоқда.

Колхозимизда эски бедапоялар 365 гектар, янги бедапоялар 94 гектар. Ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 543 центнердан кўк беда ҳосили олинди. Планда белгиланган 1673 тонна ўрнига 1953 тонна беда пичани, 1900 тонна ўрнига 1930 тонна сенаж ғамлаб қўйилди.

Илгарилари гектарлар плани бажарилиши биринчи ўринга қўйилар, озуқа экинлари учун шўрхок, унумсиз ерлар ажратиларди. Бизда бу яроқсиз практикага аллақачон чек қўйилган. Унумдор, тупроғи соз ерлар озуқабоп экинлар учун ажратилиб, улардан юқори ҳосил олинмоқда. Масалан, 169 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 102 центнер дон, 500 центнер кўкпоя олинди. Планда кўзда тутилган 2300 тонна ўрнига 7500 тонна силос бостирилди. 2130 тонна ўрнига 3230 тонна дағал хашак тайёрланди. Беда уруғи, витамин уни тайёрлаш планлари ҳам ошириб бажарилди.

Биз ҳар бир экинни илғор агротехника талаблари асосида парвариш қилиш, ўсимликка ўз муддатида озиқ, сув ва ишлов бериш, экин зараркунандалари тарқалишининг олдини олиш ва бошқа тадбирларни ўтказишга жиддий эътибор билан қараймиз. Сўнгги йилларда оралиқ экинлар, оқжўхори, хашаки лавлаги, рапс, перко сингари озуқа экинлар экиш тажрибаси ўзини оқлади.

— Чорвачилик — зарбдор фронт, мустаҳкам озуқа базаси — бу жабҳадаги муваффақиятнинг ҳал қилувчи омилидир. Бизнинг куч-ғайратимиз ана шу зарбдор соҳани равнақ топтиришга қаратилган.

ОЛТИН ФОНД

Бекназар ОТАЖОНОВ,
ферма партия ташкилоти секретари.

Ҳамма ерда бўлганидек, фермада ҳам ишнинг муваффақияти кадрларга, уларнинг ишчанлик қобилияти, малакаси ва уддабуронлигига боғлиқ. Колхоз чорвачилигида меҳнат қилаётган 117 кишининг кўпчилиги ўз касблари бўйича зарур билим ва тажрибага эга бўлган ходимлардир. Фермамизда олий маълумотли 8 мутахассис, ўрта махсус маълумотли 18 киши ишлаб турибди.

Кадрлар — олтин фондимиз. Биз уларни топширилган иш учун юксак масъулият, онгли интизом, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга ҳамма вақт жиддий эътибор бераётирмиз. Социалистик мусобақага етакчилик қилиш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, камчиликларга муросасизлик, етилган масалаларни ҳал этишда принципиаллик кўрсатиш ферма партия ташкилоти фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Партия ташкилоти ҳисобидаги 27 коммунистнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқаришда қатнашяпти. Сут соғувчи Розия Матёқубова, бузоқбоқар Моможон Оллоберганова, паррандачи Назира Рўзибоева, қўёнчилик фермаси мудири Феруза Қўшоқова каби оловқалб коммунистлар меҳнатда шахсий ибрат кўрсатаётирлар, айни вақтда оммавий-сиёсий иш олиб боришдаги актив фаолиятлари билан коллектив ўртасида ҳурмат ва обрў қозонганлар.

Мутахассисларнинг ролини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, чорвадорларнинг меҳнат шароитини яхшилаш партиявий назорат остига олинган. Зоотехник Б. Жабборов, ассимилятор Б. Рўзметов, ветеринария врачи И. Оллоберганованинг қимматли таклифлари фермадаги ишларни яхшилаш ва тартиб-интизомни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатди.

Фермада чорвадорлар уйи барпо этилиб, у маданий дам олиш масканига ва оммавий-сиёсий ишлар марказига айланган. Шу ерда ювиниш, кийиниш хоналари, ўқиш зали, дам оладиган, овқатланадиган, радио тинглаб, телевизор кўрадиган хоналар бор. Чорвадорлар махсус кийим-бош билан тўлиқ таъмин қилинган.

Мусобақа илғорлари моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Мўл, сифатли маҳсулот тайёрлаган чорвадорларнинг моддий манфаатдорлиги ошаётир. Масалан, ҳар бир чорвадорнинг ўртача ойлик иш ҳақи пландаги 193 сўм ўрнига 234 сўмни ташкил этяпти. Чорвадорларнинг бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга руҳлантирмоқда.

Партия ташкилоти коммунистларнинг авангардлик ва етакчилик ролини ошириш, чорвадорларни юбилей йили юксак марраларини эгаллашга сафарбар қилишни ўзининг жанговар вазифаси деб билади, ташкилотчилик ва сиёсий ишни ҳозирги давр талаблари даражасига кўтаради.

ҚИШЛОВ—СИНОВ

Моможон ОЛЛОБЕРГАНОВА,
бузоқбоқар.

Колхозимиз қиш даврида энг кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари етиштиргани ва давлатга сотгани учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан бир неча йиллардан буён тақдирланиб келаётганлиги бежиз эмас. Қишлов — фермаларнинг меҳнат коллективлари учун жиддий синов. Колхозимиз чорвадорлари бу катта имтиҳондан ҳар йили ҳам муваффақиятли ўтмоқдалар.

Қишловни намунали ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта тараддуд кўрилди. 2175 бош қорамол, шу жумладан 650 бош сигир, 1150 бош чўчқа, 17 мингтадан ортиқ паррандa, ўн мингтага яқин қуён асраладиган бинолар тахт ҳолга келтирилди. Қуёнхона ва чўчқахона қурилиб, ишга туширилди, паррандахона реконструкция қилинди. Емхашак етарли жамғарилди.

Бузоқхоналарни нормал иссиқликда тутиш, бузоқларни зооветеринария қоидалари асосида боқиш ва асраш учун ҳамма шароитлар яратилди. Сигирларни туғиш олдидан боқиш, ёш бузоқларни соғлом ўстириш нозик ва масъулиятли ишдир. Бу ишда доимий назорат ва эътибор талаб этилади. Соғувчи ва бузоқбоқар ҳам, зоотехник ва ветеринария ходими ҳам чорва моллар тўқ, соғлом қишлаши учун масъул эканликларини унутмасликлари лозим.

Боқимимдаги 60 бош бузоқни қишловдан соғлом чиқаришга азми қарор қилганман. Бир кеча-кундузда ҳар бош бузоқнинг пландаги 450 грамм ўрнига 800 грамм семиришига эришишни мўлжаллаяпман. Мусобақадошим Амин Қурбоновнинг ҳам аҳди шундай.

Қиш фаслида фермада маҳсулдорликни камайтирмаслик молларга рацион бўйича озуқа бирлиги берилишига, молхоналарнинг озода, қуруқ ва нормал ҳароратда тутилишига, касалликларнинг ўз вақтида олди олинишига боғлиқ. Бу соҳада фермадаги ҳар бир ходим ўз бурчини виждонан адо этмоғи, бепарволиккa ва лоқайдликка асло йўл қўймаслиги зарур.

РЕЖАЛАР, РЕЗЕРВЛАР

Озод РАҲМОНОВ,
ферма мудири.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида колхозимизда чорвачиликни илмий асосда ва саноат негизида тараққий эттириш режалари белгилаб олинди. Шу беш йилликда гўшт, сут ва тухум етиштириш пландагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайтирилади, бунинг учун барқарор озуқа баланси вужудга келтирилади, чорвачиликни механизациялаш, моллар туёғини ўстириш ва зотини яхшилаш тадбирлари амалга оширилади.

Хўжалигимизда уч минг бош сигирга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 2 миллион 735 минг сўмлик сут комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Жами 1352 бош ҳар хил ёшдаги бузоқлар боқиладиган учта бузоқхона, механизациялашган сигирхоналар, сут цехи, озуқа фабрикаси қурилиши жадал суръат билан олиб борилаётир. Сут комплексининг биринчи навбати қурилиши шу йил ноябрь ойида ниҳоясига етказилади.

Зотли ғунажинлар етказиб берадиган комплекс ишга туширилиши областдаги қатор хўжаликларни зотдор сигирлар билан таъминлаш имконини вужудга келтиради. Биз ўз хўжалигимиз эҳтиёжини қондириш билан чекланиб қолмай, қўшни колхоз ва совхозларда ҳам чорва моллар зотини яхшилаш, наслчиликни ривожлантиришга ҳисса қўшиш вазифасини олдимизга қўйганмиз.

Фермадаги асосий ишларнинг оғирлиги механизация зиммасига юклатилган. Сигирлар агрегатлар воситасида соғилади, уларга озуқа, сув автоматик тарзда берилади. Айни вақтда молхоналарни тозалаш, озуқани тайёрлаш жараёнлари тўла механизациялашган. Комплекс механизациянинг жорий этилиши маҳсулот таннархини камайтиришда муҳим роль ўйнаймоқда.

Ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш чорва маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир. Бу соҳада ишга солинадиган резервлар талайгина. 13 массивда уч далали системани, яъни беда-маккажўхори-пахта алмашлаб экиш схемасини жорий этишни давом эттирамиз. Оралиқ экинлар майдони кенгайтирилади. Ем-хашак етиштирувчи механизациялашган бригадаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади.

Чорвачиликни малакали кадрлар, ишбилармон мутахассислар билан мустаҳкамлаш, ран ютуқларини, прогрессив усулларни тармоққа дадилроқ жорий этиш, мураббийлик ҳаракатини кучайтириш масалаларига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини англаб турибмиз. Шу мақсадда фермада илғор тажриба мактаби ташкил этилган. Ишларни чорвачилик касбларига ўргатиш, малака ошириш ва ўзаро тажриба алмашишда унинг роли каттадир.

Чорвадорларимиз ҳар йилдагидек бу йил ҳам қишловни уюшқоқлик билан ўтказиш, қиш фаслида чорва маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, юбилей йили ва умуман беш йилликни яхши натижалар билан якунлаш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар, Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

МУҲИМИ—ПИРОВАРД НАТИЖА

Абдулла ИСКАНДАРОВ,
колхоз раиси, СССР Олий Совети депутати.

Пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштиришда хўжалигимиз довруғ қозонган. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини кўпайтириш, ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ маданиятини юксалтириш йўлида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бизда қолоқ соҳалар йўқ. Комплекс тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олганмиз. Бир вақтлар қолоқ ҳисобланган, очиғини айтганда, пахтанинг даромадини «ҳазм» қилиб келган чорвачилик — эндиликда рентабелли тармоқ, даромад манбаига айланган.

Баъзи рақамларни келтираман. Ўн биринчи беш йиллликнинг учинчи йилида чорвачилик рентабеллиги планда белгиланган 17,5 процент ўрнига 34,5 процентни ташкил этди. Бу тармоқдан пландаги 125 минг сўм ўрнига 394 минг сўм соф фойда олинди, чорванинг даромади ярим миллион сўмдан ошди. Бу — планда кўзда тутилганидан 690 минг сўм кўп.

Рентабелликни оширишга қандай қилиб эришдик? Гап — кам харажат қилиб, кўпроқ маҳсулот олиш устида бормоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига юқори рентабеллик таъминланди. Илгари таннарх пландагидан ошиб кетарди, ҳозир бу соҳада план интизоми қатъий қилиб қўйилди. Натижада бир центнер гўшт етиштиришга пландаги 174 сўм 65 тийин ўрнига 172 сўм 30 тийин, бир центнер сут етиштиришга 28 сўм 96 тийин ўрнига 28 сўм 92 тийин, минг дона тухум етиштиришга 62 сўм 70 тийин ўрнига 62 сўм 51 тийин сарфланди. Ирмоқлардан дарё ҳосил бўлганидек, тийинлардан сўмлар пайдо бўлади.

Колхозимиз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда икки беш йилликни бажариш ташаббусига қўшилиб, сўз билан иш бирлиги учун астойдил кураш олиб боришяпти.

Ҳар қандай ташаббуснинг қиммати пировард натижаларда кўринади. Биз ҳам социалистик мажбуриятлар аниқ ва сўзсиз бажарилиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

Натижалар чакки эмас. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича беш йиллик марралари ўтган йилдаёқ эгалланди. Беш йиллик план топшириқларининг ўтган уч йилу тўққиз ой мобайнида бажарилиши қуйидагича: беш йиллик планда кўзда тутилган 586 тонна ўрнига 773 тонна гўшт, 6582 тонна ўрнига 8624 тонна сут, 1 миллион 164 минг дона ўрнига 1 миллион 620 минг дона тухум етиштирилди. Давлатга гўшт сотиш беш йиллик плани 139 процент, сут — 146 процент, тухум — 155 процент қилиб бажарилди. Шундай қилиб, биз беш йиллик маррасидан ўзиб кетдик. Ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишни қизғин давом эттирмоқдамиз.

Чорва молларни бўрдоқига боқиш, сигирларни рацион бўйича озуқа билан таъминлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш масаласига катта аҳамият бермоқдамиз. Ўтган йили гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг вазни планда белгиланган 400 килограмм ўрнига 450 килограммни, ҳар бир бош сигирдан соғиб олинган сут 2537 килограмм ўрнига 4016 килограммни, ҳар юз бош сигирдан олинган бузоқ 81 ўрнига 95 бошни ташкил этди. Шу йилнинг ўтган тўқиз ойи ичида пландаги 132 тонна ўрнига 247 тонна гўшт, 1570 тонна ўрнига 2002 тонна сут, 246 мингта ўрнига 410 мингта тухум етиштирилди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ошиғи билан уддаланди.

Ферма меҳнатчилари республикамиз 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш ва мамлакат Озиқ-овқат программасига кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида ғайрат ва ташаббускорликни тобора ошираётирлар. Сут соғувчилардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Розия Матёқубова, Сўна Собирова, Назира Худошукурова, Шарофат Тожиева, молбоқар Амин Қурбонов, қуёнбоқар Дармон Раҳимова, паррандачилардан Ширин Раҳимова ва Шукуржон Отажоновалар чорвадорлар мусобақасида олдинда бормоқдалар.

Чорвачилик биноларини, ферма ва озуқа цехи ускуналарини қишки мавсумга қарата тахт қилиш, кўпроқ ва тўйимли озуқа ғамлаб қўйиш, қишловни шай бўлиб кутиб олиш кечиктириб бўлмайдиган ишлардир. Қишлов тараддуди диққат марказимизда турибди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва моллар зотини яхшилаш, тармоқни механизациялаш масалаларига бундан буён ҳам катта эътибор берамиз.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАТБУОТ МАРКАЗИ хабар қилади

13 ноябрга қадар республика қабул пунктларига 5049852 тонна, шу жумладан 408434 тонна ингичка толали пахта топширилди. Ўтган куни далалардан 32218 тонна «оқ олтин» териб олинди. Мавсум бошидан бери агрегатлар бункеридан тўкилган дурдона 1539891 тоннага етди.

АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР, ҲИММАТИ БАЛАНД ҲАШАРЧИЛАР! ҒАНИМАТ ДАМЛАРНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК! ПЕШОНА ТЕРИ ЭВАЗИГА ЕТИШТИРИЛГАН «ОҚ ОЛТИН»ИМИЗНИНГ БИР МИСҚОЛИ ҲАМ НОБУД БЎЛМАСИН! РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИГА ДАЛАЛАРДАГИ БОР ҲОСИЛНИ СЎНГГИ ЧАНОҚЛАРИГАЧА ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАЙЛИК!

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

● **Қува райони меҳнаткашлари дастлабки ғалабага эришдилар. Давлатга 50993 тонна «оқ олтин» топширилиб, йиллик план адо этилди.** Жами ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳосилдорлик 34,5 центнерни ташкил этди.

Ўзаро мусобақада илғорликни эгаллаган Карл Маркс номли, Куйбишев номли, «Ленинизм», Энгельс номли, Калинин номли, «Коммунизм», «Правда» колхозларида ҳосилдорлик 35—40 центнерга етди.

Қуваликларнинг янги марраси планга қўшимча 2000 тонна «оқ олтин» тайёрлашдан иборатдир.

ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

● **Шуманай райони пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йиллик плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.** Она-Ватан шуманайликлардан 140213 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу меҳнат муваффақиятига Гагарин номли, Киров номли, «Шуманай» совхозларининг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар.

ИПАК ПАХТА МЎЛ БЎЛАДИ

● **Ульянов районидаги Дзержинский номли совхоз заршунослари давлатга ингичка толали пахта топшириш планини бажардилар. 830 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,4 центнердан ипак пахта йиғиштириб олинди.** Жами хирмон 2362 тоннани ташкил этди. Қурбон Бобожонов, Очил Шойқулов, Шодмон Полвоновлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари муваффақиятга салмоқли улуш қўшдилар. Ялпи ҳосилнинг 70 процентини «зангори кема» капитанлари «пўлат этак»лардан тўкишди.

ҲАМКОРЛАР

● **Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган Когон шаҳрида истиқомат қилувчи мингдан зиёд киши район далаларида зарбдорчасига ишламоқда.** Ҳар бир ёрдамчининг иш унуми 35—40 килограммни ташкил этмоқда. Шаҳарлик ҳамкорлар мавсум бошидан бери 5 минг тонна пахта териб бердилар.

ВЕТЕРАНЛАР ШИЖОАТИ

● **Ленинобод районидаги «Ленинград» совхозида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветеранлари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасига жавобан далаларга чиқдилар.** Пенсионерлардан Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалерлари Кўжаш Давлатов, Бозорбой Оташев, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Болтабой Оллоберганов, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Юсуф Содиқовлар теримда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

СТУДЕНТЛАР ХИРМОНИ

● **Жиззах давлат педагогика институтининг 1200 талабаси Зарбдор районидаги Йўлдош Қурбонов номли совхоз далаларида ишлашмоқда. Уларнинг шу кунгача терган пахтаси 2000 тоннадан ошиб кетди.** Ўзаро мусобақада кунига 100 килограммдан ошириб пахта тераётган Шамсинисо Шокирова, Машкура Баракаева, Альфия Еремеева, Юлдуз Каримовалар илғорликни қўлдан беришмаётир. Студентлар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасига жавобан яна минг тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олдилар.

● **Учқўрғон план-экономика техникуми студентлари «Учқўрғон» совхози пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда.** Комсомол аъзоларидан Муҳаббат Йўлдошева, Роҳат Бойматова, Зулхумор Отамирзаевалар 40—45 килограммдан пахта териб, касбдошларига ўрнак бўлишмоқда. Илғорларнинг ҳар бири шу кунга қадар 4—5 тонналик хирмон уюшга эришди. Ҳозиргача 1100 тонна «оқ олтин» терган техникум коллективи яна 120 тонна пахта териш учун курашмоқда.

● **Самарқанд. Областдаги энг кенжа корхоналардан бири — Митан пахта тозалаш заводи коллективи ивановолик тўқимачилар адресига дастлабки минг тонна аъло сифатли тола жўнатди. Пахта тозаловчилар ҳар бир хўжаликдан келтирилган ҳосилни алоҳида майдончаларга қабул қилиш билан унинг сорти ва сифатини қатъий назорат остига олишга эришдилар. Бу эса корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг тобора яхшиланиб боришига имкон беряпти. Ҳар юз килограмм хом ашёдан 35 килограммгача юксак сифатли тола олинмоқда.**

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Деҳқонбой Суяров.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

ШИФОКОРЛАР ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

БИР САФДА

Андижон области далаларида пахта йиғим-теримида фидокорона меҳнат қилаётган теримчилар, механизаторлар ва ҳашарчиларга медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи билан қизиқиб область соғлиқни сақлаш бўлими мудири А. ХЎЖАҚОВга мурожаат қилдик. Қуйида ана шу суҳбат эътиборингизга ҳавола қилинади.

— Ҳар йили бўлганидек, бу йил ҳам пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши биланоқ, далада ишлаётган теримчиларга малакали медицина хизмати кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб, барча районларга тарқатдик. Шу асосда область ва районларда махсус штаблар тузилди. Ҳар бир районда биттадан, ҳаммаси бўлиб 13 та кўчма амбулатория ташкил қилинди ва уларга тажрибали терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, стоматологлар биркитиб қўйилган. Кўчма амбулаторияларда беморларни даволаш ва тегишли медицина ёрдами кўрсатиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароит муҳайё, малакали врачлар навбатчилик қилмоқдалар. Уларни область соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ўз оталиғига олишган. Балиқчи, Бўз, Пахтаобод районларидаги кўчма амбулаторияларда иш намунали уюштирилган. Пахтакорларга керакли тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳаёт синовидан ўтган бу формаси ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Уларнинг беминнат хизмати дала меҳнаткашларига манзур бўлмоқда.

Айни пайтда областдаги колхоз ва совхозларнинг ҳар бирида битта врач, ҳар бир бригадада эса битта ўрта малакали медицина ходими пахтакорлар, ҳашарчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиб турибди.

Область марказий касалхоналарининг бош мутахассисларидан иборат оператив медицина группаси тузилгани ҳам яхши бўлди. Бу группага область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Мунаввар Қурбонова раҳбарлик қилаётир. Оператив группа ходимлари районларга, хўжаликларга бориб, медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганиб, бош штаб йиғилишида ахборот бериб турибди.

Район ва қишлоқ касалхоналарида пахта даласидан олиб келинган беморларни навбатсиз қабул қилиш ҳамда даволаш учун алоҳида ўринлар ажратилган. Бу иш айниқса қўрик Комсомолобод районида яхши йўлга қўйилган.

Область даволаш-профилактика муассасалари ходимлари дала шийпонларида муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Мавжуд аптечкалар керакли дори-дармонлар билан етарли таъминланди.

Шифокорларимиз теримчи хотин-қизлар учун зарур шарт-шароит яратишни, айниқса болалар боғча ва яслилари ишини қатъий назоратга олганлар. Аҳоли ўртасида санитария-гигиена қоидалари ҳақида, соғлиқни сақлашга оид турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш ҳам доимо эътиборимизда.

Пахта йиғим-терими ўзига хос жиддий имтиҳон эканлигини чуқур ҳис қилган шифокорларимиз шу долзарб кунларда дала меҳнаткашлари билан бир сафда туриб, бир мақсад йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

ТОЛАСИНИ ЕРДА ҚОЛДИРМАЙ

Одамзод катта чўққини кўзлаётганда, ҳамиша ёнидагиларга суянади. Мана, бир неча йилдирки 50—60 центнерчилик ҳаракатига қўшилиб келяпман. Бу — бригадамиз аъзоларига ишонганимдан, уларнинг катта меҳнатни уддалай олишига кўзим етганидан, албатта.

Ўтган йили 70 гектар пахта майдонига чигит экиб, нарядсиз пудрат усулида меҳнат қилдик. Гектаридан 52 центнердан, жами 375 тонна «оқ олтин» етиштириб, йиллик планимизни 163 процентга етказдик. Деҳқонинг ғалвири сувдан кўтарилган пайтда йил бўйи 255 минг сўм даромад қилганимиз аниқланди. Ойлик иш ҳақимиз 105 сўм ўрнига 195 сўмни ташкил этди. Бу— эл-юртнинг шаънини шарафга буркаган пахта ўз деҳқонини ҳам бой-бадавлат қилгани эди.

Бу йилги деҳқончилик мавсуми фарғоналиклар учун қутлуғ келди. Уруғлар ернинг шароитига қараб танланди. Меҳнат қилган, тер тўккан пахтакор борки, юзи ёруғ бўлди.

Бригадамиз 26 сентябрь куни биринчи довондан ошди. Бугунгача 72 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан зиёд ҳосил йиғиб олиниб, планимиз 176 процентдан ошиб кетди.

Пахтанинг мисқоли ҳам олтин. Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Олдимизда эса яна бир улкан марра — республикамизнинг 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини тиклаш марраси турибди. Шунинг учун бир толани ҳам чаноқларда қолдирмай териб олиш ниятида яна ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қиляпмиз.

С. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Фарғона область Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз бригада бошлиғи.

ВЕТЕРАН СЎЗИ

● Ўрта бўйи, истараси иссиқ бу нуроний отахонни В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкент филиали залларида тез-тез учратиш мумкин. 1919 йилдан партия аъзоси, граждалар ва Улуғ Ватан урушн қатнашчиси И. С. Секретарев бу ерда ёшлар билан учрашади, уларга сафдошлари босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилиб беради.

И. С. Секретарев Тошкент шаҳар партия ветераклари совети раисининг ўринбосари, шаҳар комсомол ветеренлари советининг раиси сифатида амалга ошираётган ишлари беқиёс. Уларнинг ҳаммаси ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, социалистик Ватанга, партияга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Суратда: партия ветерани И. С. Секретарев музейнинг штатсиз лекторлари, Тошкентдаги 5-ўрта мактаб ўқувчилари Д. Ҳайдаралиева, Е. Курносенкова, Г. Очилдиева ва Н. Бойқобуловалар билан суҳбатлашмоқда.

В. Кананцев (ЎзТАГ) фотоси.

Шу куннинг мавзуида

НОН ИСРОФ БЎЛМАСИН

— Нондек азиз бўлишсин!

— Қўллари дард кўрмасин!

Бу пойтахт аҳолисининг Тошкент булка-кондитер комбинати ходимлари шаънига айтаётган дил сўзларидир. Корхона коллективи меҳнаткашлар дастурхонини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаб ана шундай таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Ҳозирги кунда бу ерда 146 хил булка-кондитер ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Комбинат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишга алоҳида эътибор берилаётир. Кейинги йилларда комбинат корхоналари янги техника билан жиҳозланди, нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сут зардоби қўлланадиган бўлди. Бу эса ноннинг таъмини яхшилаш, салмоғини ошириш имконини берди. Тешиккулча ва булочкаларнинг ҳамири ачитқили қорилянпти. Бундан ташқари нон пишириладиган эскириб кетган 6 та ПХС-25М печи янгиси билан алмаштирилди. Нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш учун иккита ҳамир қориш машинаси ўрнатилди. Ўтган йилнинг ўзида ана шу мақсадлар учун 203 минг сўм, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 100,4 минг сўм сарфланди. Кўпгина иш жараёнлари механизациялашди.

Комбинат корхоналарида «Сифат кунлари» ўтказилади. Бу эса камчиликларни зудлик билан бартараф этишга ва олдини олишга катта ёрдам бермоқда.

Йил бошидан буён 18 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Комбинатга қарашли барча корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилган. Бу ўтган йили 44,2 минг сўм, шу жумладан янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига 24 минг сўм, бракни камайтириш ҳисобига 19 минг сўм, унни тежаш ҳисобига 1,2 минг сўм иқтисодий самара берди.

Цехлар ва бригадаларо социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Ана шу мусобақада тешиккулчалар цехидан Жаббор Нажимов, Хотам Исамуҳамедов, биринчи ишлаб чиқариш цехи мастерларидан Ориф Ҳусанбоев, торт ишлаб чиқариш цехи мастерлари Тоҳир Абдуллаев, Алишер Орипов бошчилик қилаётган бригадалар олдинда бормоқдалар.

Аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш коллективнинг ҳар бир аъзоси шиорига айланган. Амалга оширилаётган тадбирлар меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришишда катта омил бўляпти.

Комбинат цехларини айлансангиз, беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этиш, меҳнаткашлар дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш иштиёқида зарбдорчасига меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар билан танишасиз.

— Шу йилнинг ўн ойи мобайнида пландаги 27 миллион 713 минг сўм ўрнига 28 миллион 170 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди комбинат партия ташкилотининг секретари Надежда Андреевна Волкова.— Натижада меҳнаткашларга планга қўшимча 457 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Қувончлиси шуки, макарон цехида янги поток линия ишга туширилди. Бу бир кеча-кундузда 30 тонна макарон ишлаб чиқариш имконини берянпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган лағмон, вермишель ва бошқа маҳсулотлар фақат тошкентликларгагина эмас, балки шаҳримиздан ташқарида ҳам кўпчиликка манзур бўляпти.

Ҳозир аҳолига бир кеча-кундузда 35 тонна турли булочкалар, 60 тонна тешиккулчалар етказиб берилмоқда. 35 тонна батон тайёрланяпти. Бу ўтган йилдагидан 7 тонна кўпдир.

Сифатли нон чиқитга чиқмайди. Комбинат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари дўконлардан қайтиб келмаётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Лекин кези келганда шуни таъкидлаш керакки, сифатли нон тайёрлашда хом ашёнинг ҳам аҳамияти катта. Ун комбинатлари нон заводига доимо аъло сифатли ун етказиб беришяптими? Бу саволга жавоб олиш учун булочка цехининг контролери Мария Ефимовна Штирловага мурожаат қилдик.

— Маҳсулот сифати кўп жиҳатдан хом ашёга боғлиқ, — дейди М. Е. Штирлова. Биз батон ва булочкаларни олий навли ундан тайёрлаймиз. Корхонамизни асосан 1- ва 2-ун комбинатлари хом ашё билан таъминлайди. Биринчи ун комбинатига эътирозимиз йўқ. Чунки бу комбинатдан келтирилаётган ундан тайёрланган батонлар оппоқ, бўрсилдоқ бўлиб, мазси ҳам яхши пишади. Бундай батонларга аҳолининг талаби катта. 2-ун комбинатидан олинаётган ун сифатсиз, ранги хира. Бундай ундан тайёрланган батонларнинг ҳамири ҳам яхши кўтарилмайди. Октябрь ойида мазкур комбинатдан 226 тонна ана шундай сифатсиз ун олдик. Бунинг орқасида корхона билан савдо дўконлари ўртасида телефонбозликлар авжига чиқди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, сифатли нон ҳеч қаерда чиқит бўлмайди. Меҳнаткашларнинг сифатли нон маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлароқ қондириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, нон заводларини сифатли ун билан таъминлашга эришишимиз лозим. Бу эса ўз навбатида нон исрофгарчилигининг олдини олишнинг муҳим омилларидан биридир.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Самарқанддаги «Ўроқ ва Болға» консерва комбинати ОЛМА ПАСТАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРА БОШЛАДИ.

Бу маҳсулот дуркун етилган олмадан янчилган ва таркибида қуруқ моддалар 30 процентгача сақланган ҳолда қайнатиб тайёрланмоқда. Бу маҳсулот ўзининг хушбўйлиги ва лаззати билан табиий олмадан қолишмайди.

У олма повидлосидан шу билан фарқ қиладики, унга шакар қўшилмасдан тайёрланади. Шунинг учун ҳам қанд касаллиги билан хасталанган кишиларнинг овқатланиши учун тавсия этилса бўлади.

Пастани кондитер саноатида ранг-баранг тортлар, булочкалар ва бошқа ҳар хил лаззатли ширинликларни тайёрлашда ишлатиш мумкин. Бундан ташқари музқаймоқ учун қўшимча хом-ашё сифатида ҳам ишлатилади.

Саноат қайта ишлаш учун бу паста йирик ҳажмда — тунука банкаларда 10 литргача чиқарилмоқда. 1 тоннасининг баҳоси 1570 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА ВА САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ (телефон 56-32-81).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВА БУХОРО ОБЛАСТЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

(«Муборакгаздобича», Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шуртангаз» газ ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Газлинефтегаздобича», «Узбекбургаз»).

3, 4, 5, 6 разряддаги токарлар, 4, 5, 6 разряддаги фрезеровкачилар, 5 разряддаги йўнувчилар, 3 разряддаги аррада қирқувчилар, станоклар ремонти бўйича 4, 5 разряддаги слесарлар, 6 разряддаги каруселчи-токарлар, 6 разряддаги йўнувчи-токарлар, 3, 4, 5, 6 разряддаги станокчи-токарлар, 6 разряддаги исканачи, 5, 6 разряддаги шлифовкачилар, қувурларни буқувчи станокларнинг 4, 5 разряддаги станокчилари, М-4132-А босқони учун 4 разряддаги темирчи, 3 разряддаги босқончиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Меҳнатга ҳақ тўлашда асосий маошга қўшимча 1,55 коэффициенти қўлланилади ҳамда ишнинг вахта усулидаги кўчма характери учун 30 процент қўшимча белгиланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 66-уй, кадрлар бўлими; Муборак шаҳри, «Муборакгаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кадрлар бўлими; Газли шаҳри, «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кадрлар бўлими.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ҒАЛАБАНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ

СТОКГОЛЬМ, 12 ноябрь. (ТАСС). Швеция тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитетининг секретари Пер Эриксон ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалабанинг қирқ йиллиги — муҳим сана бўлиб, бу сана империалистик реакция қандай жиноятларга қодир эканлигини эсга олишга яна мажбур қилади. Бу — янги жаҳон уруши хавфига қарши тобора зўр куч билан кураш олиб боришга ҳам ундайди».

Гитлерчи ғалаларининг тор-мор этилганлиги, Европа фашизм вабосидан озод қилинганлиги Европа қитъаси ва бутун планета ҳаётидаги ғоят муҳим воқеа бўлган эди, деди П. Эриксон. У Испанияда фашизмга қарши курашда интернационал бригадалар составида иштирок этган антифашист ветерандир. Совет Иттифоқи, деб уқтирди у, мана шу улуғ Ғалабага ҳал қилувчи ҳисса қўшди.

ЛОТИН АМЕРИКАСИ КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

БОГОТА, 12 ноябрь. (ТАСС). Колумбия пойтахтида Лотин Америкасидаги 15 коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Рейган АҚШ президенти лавозимига қайта сайланганидан кейин вужудга келган халқаро аҳволни анализ қилдилар, Америка маъмуриятининг Никарагуага қарши иғвогарлик ишлари кучайганлиги натижасида республика тевирагида вужудга келган вазиятни муҳокама қилдилар, Тинчлик учун, АҚШ империализмининг агрессив сиёсатига қарши, қитъа халқларининг мустақиллигини қимоя қилиш учун курашда коммунистик ва ишчи партияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Кенгашда қабул қилинган ҳужжатда Вашингтон ҳозирги маъмуриятининг агрессив, милитаристик сиёсати, АҚШ жаҳонда ҳукмрон бўлишга эришишга интилаётганлиги сабабли ядро уруши хавфи кучайиб кетганлиги қайд этиб ўтилади. Кенгаш қатнашчилари Америкининг Никарагуага бевосита интервенция қилиш хавфи жиддий эканлигини кўрсатиб ўтиб, Никарагуа халқи билан бирдамликка бағишланган Лотин Америкаси конференциясини дарҳол чақириш кераклигини ёқлаб чиқдилар.

Кенгашда қитъа халқларининг мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашини кучайтириш зарурлиги таъкидланди, шунингдек Сальвадор, Чили, Гватемала ҳамда бошқа мамлакатлар халқларининг халққа зид режимлардан халос бўлиш ва ҳақиқий озодликка эришиш учун олиб бораётган кураши билан бирдамлик изҳор қилинди.

Р. ГАНДИ — ҲУКМРОН ҲМК (И) ПАРТИЯСИНИНГ РАИСИ

ДЕҲЛИ, 12 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресси (И) партиясининг раиси этиб сайланди. ҲМК (И)нинг раҳбар органи — ишчи комитетининг бу ерда бўлиб ўтган навбатдан ташқари мажлиси қатнашчилари унинг номзодини ёқлаб якдиллик билан овоз бердилар.

Ишчи комитети Ражив Гандига партия ва ҲМК(И) парламент фракцияси ижроия комитети раҳбарлик органларининг составини қайта ташкил этишни топширди. Мажлис қатнашчилари илгари белгиланганидек, 1985 йилнинг январида парламентнинг қуйи палатасига ялпи сайлов ўтказишни тавсия этувчи қарор ҳам қабул қилдилар. Бироқ шу масала юзасидан узил-кесил қарор ҲМК(И) раиси, Бош министр Ражив Ганди штатларнинг бош министрлари билан маслаҳатлашувлар ўтказганидан кейин чақирилади.

Телетайп лентасидан

● **БУДАПЕШТ.** Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси Войхцех Ярузельский Будапештдан жўнаб кетди. У Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадарнинг таклифига биноан дўстона амалий визит билан бу ерга келган эди. Бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари юзасидан қўшма ахборот қабул қилинди.

● **ҚОҲИРА.** Миср Араб Республикаси либерал-социалистик партиясининг раиси Мустафо Камол Мурод шу партиянинг органи «Ал-Аҳрор» газетасида берган бош мақоласида баланд Асвон тўғони бунёд этилишининг Миср экономикасига ижобий таъсири шу кунларда салмоқли равишда яққол сезилмоқда, деб ёзади. Бу тўғон қурилиши натижасида, дейди у, 450 минг гектардан знёд ерга сув чиқариш мумкин бўлди, Мисрни сув озлигининг ҳалокатли таъсиридан абадий қутқарди. Масалан, Нилда кейинги 70 йил ичида шу йилдагидек сув мўл бўлмаганди.

● **МАНАГУА,** Никарагуа мудофаа министрлиги мамлакатнинг бутун территориясида қуролли кучларни оширилган жанговар шайлик ҳолатига келтириш тўғрисида буйруқ берди.

Бундай қарор Қўшма Штатларнинг Никарагуага бевосита қуролли интервенция қилиш хавфи кескин кучайганлиги муносабати билан қабул этилди.

Мудофаа министрлигининг буйруғига мувофиқ энг муҳим стратегик пунктлар қўшинлар томонидан қўриқланмоқда. Граждан мудофааси кучларида сафарбарлик эълон қилинди. Аҳолини ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилиш учун шошилинч тадбирлар кўрилмоқда.

(ТАСС).

МУХОЛИФЛИК ЭМАС, БАЛКИ КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ УЧУН

ВАШИНҒТОН. **ТАСС мухбири А. Лютий хабар қилади:** АҚШнинг жамоат ва сиёсат арбоблари Рейган маъмуриятининг милитаристик йўлини қораламоқдалар, Совет — Америка муносабатларини яхшилаш кераклигини ёқлаб чиқмоқдалар.

Қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш соҳасида битимлар тузиш мақсадида музокаралар олиб боришдан бошқа оқилона йўл йўқ, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда собиқ сенатор Ж. Макговерн. У КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг «Вашингтон пост» газетаси саволларига қайтарган жавобларига юксак баҳо берди. Айни вақтда собиқ сенатор Вашингтоннинг хатарли ҳарбий программаларини, жумладан баъзи қисмлари космосда жойлаштириладиган кенг кўламдаги ракетага қарши мудофаа системасини вужудга келтириш режаларини қоралади. Ана шу режаларнинг амалга оширилиши қуролланиш пойгасини кучайтириб юборади, ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган шартномага путур етказади. Ж. Макговерн умумий халқаро вазият Совет—Америка муносабатларининг аҳволига боғлиқ эканлигини таъкидлаб, СССР билан муносабатларни яхшилаш АҚШ олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири эканлигини қайд этиб ўтди.

АҚШ демократик партиясининг таниқли арбоби П. Гарриман хоним Совет — Америка муносабатларини яхшилаб боришни «ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаси» деб атади. У ТАСС мухбири билан суҳбатда К. У. Черненко «Вашингтон пост» газетаси саволларига жавобларида олға сурган таклифларни ижобий таклифлар деб таърифлади. Рейган маъмурияти СССР билан муносабатларда мухолифлик йўлидан воз кечиши керак, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Америкаликлар — демократик ҳаракатларнинг тарафдорлари» деб аталган нуфузли жамоат ташкилотининг раиси Р. Дринан. Қуролланиш пойгаси назорат остидан чиқиб кетган тақдирда бу ҳол бутун инсониятни йўқ қилиб юбориши мумкин, деб таъкидлади у.

ВАШИНҒТОН. **ТАСС мухбири Н. Орехов хабар беради:** Америка жамоатчилиги президент Рейгандан тинчликка ва қуролсизланишга интиляпмиз, деб айтаётган сўзларни конкрет ишлар билан тасдиқлашини кутмоқда. Оқилона ядровий сиёсат учун кураш миллий комитети раҳбарлик органининг аъзоси М. Мауби бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, ана шуларни айтди. «Оқ уй бошлиғи ўзининг тинчликка интилаётганлигини МРБнинг Марказий Америкадаги қўпорувчилик ишларини тўхтатиш, космик қуролларни ва қитъаларо «МХ» баллистик ракеталарини жойлаштириш программаларидан воз кечиш, ядровий қуролларни қисқартириш мақсадида реалистик таклифларни олға суриш йўли билан исботлай олади», — деди М. Мауби.

Америка халқи қуролланиш пойгасини тўхтатишга астойдил интилмоқда, деди матбуот конференциясида АҚШ сенатига Иллинойс штатидан биринчи марта сайланган демократ П. Саймон. Унинг сайловолди программаси ядровий аслаҳаҳоналарни кўпайтирмасликка даъватни ўз ичига олган эди. Сенатор АҚШ президенти ва конгрессини қурол-яроғлар устидан контроллик соҳасида Совет Иттифоқи билан битимларга эришиш учун бутун кучларни сарфлашга даъват этди.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

НИҲОЯТ НИЯТИГА ЕТДИ

● **ШАХМАТ**

Устоз Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган Бутуниттифоқ анъанавий XIII турнир якунланди. Қизғин курашлар остида ўтган, мавқеи анча баланд бу мусобақа охирги мамлакат чемпионатининг учинчи совриндори, одессалик халқаро мастер В. Эйнгорннинг ишонарли ғалабаси билан якунланди. У 13 имкониятдан 11 очко жамғариб, «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасининг бош совринини қўлга киритди. Унинг ҳамшаҳри СССР чемпионатининг кумуш медали совриндори гроссмейстер К. Лернер маррада иккинчи бўлди. Республика терма командасининг аъзоси, мастерликка номзод Р. Зиёддинов ниҳоят ниятига етди. У СССР спорт мастери унвонини олиш учун белгиланган очколарни зиёда қилиб тўплай олди.

● **ФУТБОЛ.** Олий лига командалари ўртасида 32-тур ўйинлари бўлиб ўтди: «Торпедо» — «Динамо» (К) — 2:2, «Арарат» — «Пахтакор» — 4:0, «Днепр» — «Зенит» —0:1, «Металлист» — «Жальгирис»— 3:2, «Шахтёр» — «Динамо» (Мн) — 2:0, «Динамо» (Тб) — «Динамо» (М) — 1:1, «Нефтчи» — «Спартак» — 0:2, ЦСКА — «Черноморец» — 1:6.

«Крилья Советов» (К), «Динамо» (Ст) командаларидан кейин Арманистоннинг «Котайк» командаси биринчи лигага чиқди.

«Қайрат» — «Нива»ни (1:0) ютиб, СССР кубогининг чорак финалига йўлланма олди.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 16 ноябрда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг УСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ўзга гетерозиси лабораторияси катта илмий ходими ва кичик илмий ходими (илмий даражасиз) вакант вазифаларига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 24 ноябрга.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси 28-уй. Телефон 62-58-21.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСПЛАНИ ҲУЗУРИДАГИ ЭКОНОМИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Енгил саноат секторлари бўйича: группа раҳбари (фан кандидати), катта илмий ходимлар (3 ўрин), кичик илмий ходимлар (2);

Қишлоқ хўжалик сектори бўйича катта илмий ходим.

Конкурс муддати — 1 декабрга.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700017, Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй, кадрлар бўлими. Телефон 39-18-22.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/XI да **Концерт**, 15/XI **Маърифат қурбонлари**, 16/XI да **Тўмарис.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XI да **Кузнинг биринчи куни**, 15/XI да **Ғийбат**, 16/XI да **Олтин девор.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тарих институти коллективи катта илмий ходим, тарих фанлари кандидати М. Ш. Қосимовага онаси

Иқболхон КАМОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Н. Островкий номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари институт доценти А. Сайфуддиновга онаси

Ойша ЭШОНБОБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Қувноқ стартлар. 10.25 — Имконият чегараси. Бадиий фильм. 1-серия. 11.35 — Саёҳатчилар клуби. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 15.55 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.25 —С. Орехов чалади. 16.50 — Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР МФА академиги Е. Н. Мешальникин билан учрашуви. 17.30 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.00 — Концерт. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Халқ ижодиёти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Телефильм. 19.40 — Дунё ва ёшлар. 20.20 — Имконият чегараси. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Балет ҳақида. 23.15 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — 13.10 — Фан ва турмуш. 14.30 — Режиссерлик санъати. 15.15 — Алкоголизмнинг зарари. 15.30 — Фан ва техника соҳасида 1984 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатлари. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.05 — Краснодар телестудиясининг программаси. 19.55 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Симфония. 21.30 — Время. 22.05 — Олтин куз. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Шудринг. Фильм. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Сўз кетидан сўз келар. 12.20 — Бор гўзалликни жонлантириб. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Шоирлар — болаларга. 18.45 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ҳовлимиздаги стадион. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Томошабин билан юзма-юз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Маҳом кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик —зарбдор фронт. 22.20 — Кўқон воқеаси. Бадиий фильм. 3-серия. 23.25 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.20 — МОСКВА-II. 18.20 — Телефильм. 18.50 — Биринчи йўловчилар. Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ўқув программаси. 21.00 — Беш йиллик маршида. 21.30— МОСКВА-II.

15 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Шахмат. Жаҳон чемпионати. 9.55 — Концерт. 10.40 — Имконият чегараси. Бадиий фильм. 2-серия. 11.55 — Ҳайвонот оламида. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Концерт. 17.15 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Қувноқ нотачалар. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.00 — Концерт. 20.15 — Имконият чегараси. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05— Поэзия. 22.30 — Концерт. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.45 — Шахмат .

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Оила ва мактаб. 14.10 — Режиссерлик санъати. 14.55 — Гражданин Лешка. Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Кинокўрсатув. 21.00 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Телефильм. 22.15 — Хоккей: СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Марс».

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Болалар учун фильм. 11.30 — Ўқув программа. 12.00 — Мўъжизалар оламига саёҳат. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 18.35 — Ёшлик. 19.00 — Халқ истеъмоли моллари — юқори сифат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20— Музикали программа. 23.25 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00— 16.25 — МОСКВА-II. 18.15 — Телефильм. 18.35 — Реклама. 18.50 — Биринчи йўловчилар. Бадиий фильм. 2-серия. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Классик куй саҳифалари. 21.00 — Ўқув программаси. 21.30— МОСКВА-II

РАДИО

14 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Халқ фаровонлиги — партиянинг олий мақсади. 11.25 — Халқ қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Гулла, яшна жонажон она-Ер. 19.25 — Қармоқ. 21.00 — Барҳаёт шеърият. 21.20 — Концерт. 22.30 — М. Абибуллаев халқ куйларини ижро этади.

15 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Музикали драмалардан парчалар. 9.30 — Концерт. 9.45 — Қармоқ. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Мальши. 14.00 — Келгуси йил ғалла ҳосили ғамида. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Най тароналари. 19.25 Юность Узбекистана. 21.00 — Совет кишиси чет элда. 21.10 — Адабий ўқиш. 21.30 — Концерт. 22.30 — Классик шоирларнинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Р. — 20181. ИНДЕКС 64583. Б. — 262.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12